Абдулла ҚАҲҲОР

# ЁН ДАФТАРДАН

Устод Абдулла Қаҳҳор 1930 йилдан ён дафтар тутганлар. Бу дафтарларнинг бири айрим асарларга доир бўлиб, бунда шу асарга тааллуқли нима эсларига келса, шуни ёзиб борар эдилар: деталлар, қаҳрамон ва персонажларнинг сўзлари, хатти-ҳаракатларига оид гаплар ва ҳоказо. Ён дафтарга ҳатто кулгунинг неча хил бўлиши, йилнинг тўрт фаслида табиатда қандай ўзгаришлар юз бериши, қайси ойда қандай мева пишишигача ёзиб қўяр эдилар ва асар ёзилганда шулардан фойдаланар эдилар; ишлатиб бўлгач, яна иккинчи маротаба ишлатиб қўймаслик учун дарров ўчириб, ҳатто ёнига «фалон асарда ишлатилди» деб белгилаб ҳам қўяр эдилар. Бу ён дафтар уларнинг ажралмас дўстлари эди. Кечалари ҳам бирон сўз эсларига келса, эринмасдан ўринларидан туриб кабинетга бориб ёзиб қўярдилар. Ёзилажак асарга доир ҳамма образлар, деталлар тайёр бўлгандагина асарни ёзишга киришардилар. Бу ён дафтарда баъзи бир ҳикоя ва фельетонларнинг қораламаси, адабиётга тааллуқли фикр-мулоҳазаларни ҳам ёзиб борганлар.

Биз қуйида ишлатилмай ён дафтарда қолиб кетган баъзи бир фикр-мулоҳазалар, айрим деталь ва ибораларни муҳтарам газетхонлар эътиборига ҳавол қилмоқчимиз.

●

Булут ҳўл лунгисини сиқди.

●

— Сен нима учун олдингга ҳамиша ойнак қўйиб ўтирасан, ҳуснинг билан фахрланмоқчимисан?

— Йўқ, ўзимни ўзим кўриб ўтираман, чунки ўзимдан бўлак ҳеч кимим йўқ.

●

Юк кўтар десанг, «қушман» дейди, уч десанг, «туяман» дейди.

●

Бу одам олтиндан кўра олтинга ўхшаган нарсани кўпроқ қадрлайди.

●

Шаҳардаги ҳамма соатлар беш минут илгари — нотўғри бўлса ва ҳамма шунга амал қилса, сенинг соатинг беш минут кейин — тўғри бўлганидан нима фойда?!

●

Ҳар нарсага қизиқавериш жиддий бир нарса билан асосли равишда машғул бўлишга халал беради.

●

Муҳаббат дутор, эҳтиёт қилиб тутмасанг, тоб ташлайди.

●

Мана энди қарибман: товуқни ҳайдасам, мушук югуриб келади, сабабки, «кишт-кишт» демоқчи бўлсам, «пис-пис» бўлиб чиқади.

●

Яхши ёзолмаганингни кечириш мумкин, лекин яхши ёзишни истамаганингни кечириш мумкин эмас.

●

Бошқа ишга ярамай адабиётда танқидчилик қилиб кун кўриб юрган танқидчи қўрқоқ қоровулдай, ҳар шарпадан чўчиб шақилдоқ чалаверади.

●

Бу одам ёзувчилик меҳнатини фақат ёзишдан иборат, деб ўйлайди.

●

Формализм. Хўроз сурма ичгандай, бўйнини гажак қилиб, оғзини катта очди-ю, лекин товуши чиқмади.

●

Адабиёт ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди.

●

Болалигимда бир картина кўрган эдим: бош ролни Чарли Чаплин ўйнаган эди, шекилли. Қаҳрамон ношуд, нотавон — ҳеч ишга ярамайди. Ниҳоят, бир қариндоши уни ўт ўчириш командасига ишга олади.

— Бу ерда нима иш қиламан? — деб сўрайди қаҳрамон.

— Мана бу шланг, — дейишади унга, — қаерда ўт ва тутунни кўриб қолсанг, дод солиб сув сепаверасан.

Қаҳрамон шу ишга ярайди, лекин унинг олдида на чироқ ёқиб бўлади, на папирос чекиб — дод солиб сув сепаверади.

Фаросатда шунга тенг келадиган танқидчидан худо сақласин.

●

Рашидовнинг адабий фаолияти адабиётга катта зиён келтираётипти.

1. Нотавон асар адабиётнинг чўққиси бўлаётипти.

2. Адабий танқидда лаганбардорлик вужудга келаётипти.

Уни ҳеч ким танқид қилолмайди, танқид қилган киши «қора рўйхат»га тушади.

Рашидовдан мақтанчоқроқ шахсни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ўзини зўр ёзувчи ҳисоблайди, ўз оғзи билан эмас, лаганбардорлари оғзи билан мақтанади.

Унинг адабиётдаги мақтанчоқлиги сиёсий фаолиятида ҳам кўринади: унинг «раҳбарлиги» остида ҳамма иш яхши, ҳеч бир камчилик йўқ; (иморатлар, мактабларда ўқиш ишлари, халқ саломатлиги ва ҳоказо ҳаммаси жойида).

Пахта далаларида одамларнинг қийналгани, аёллар майиб бўлиши, болаларнинг пачақ бўлиб ўсиши билан иши йўқ.

**1965 йил.**

●

Мамлакатимизда (Сталиндан сўнг) узундан узун момақалдироқ бўлдию ўтди. Бу момақалдироқнинг биринчи садоси халқлар кўнглида жуда катта умид-орзулар уйғотди, халқлар бунинг кетидан келадиган оби раҳматни кутди, бироқ момақалдироқ шамол-тўполон қилдию, оби раҳматдан бир томчи ҳам томмади. Халқ мақоли бор: момақалдироқ ёмғири билан бўлса яхши бўлади.

●

Порахўрлар тўғрисида асар ёзиш керак эмас, булар асарга арзимайди дейишади. Бу мунофиқона гап. Агар шулар бўлмаганда «бу типик эмас», «давримизда бу иллатларнинг томири йўқ» дейдиган одамлар камроқ бўлса, мутлақо бўлмаса, совет ҳокимиятининг қирқ уч йиллигида порахўрларга қарши махсус қонун чиқаришга мажбур бўлмас эди.

●

Карьеристлар борми? Ҳар карьеристлар борки, булар учун маслак, виждон бир чақа. Булар ёлғон-яшиқ гапириб, олий идеаллар номидан шовқин солиб, ит канадай шундай ёпишиб олганки, буларни омбир билангина узиб олмасанг, бошқа чора йўқ.

●

Агар сен ҳақиқатни айтгани амалингдан қўрқсанг, ёш жоним бор десанг, қўй, мен гапирай, менинг амалим йўқ, ёшим ҳам бир жойга бориб қолган! Сен тескари қараб тур, мен айтай!

●

Атрофингни бузуқ кўрасан, аввал ўзингдан хабар ол.

●

Бу киши қулоққа айтиладиган ишлар билан овора.

●

Ўнг қўлини орқасидан ўтказиб, чап кўкрагини қашлади.

●

Қашлаганини билдирмаслик учун қичиган жойини чимдиб қўяқолди.

●

Ўз қадрини билмаган киши ўзини зўрлаб кулади.

●

Бир оғиз очишда ҳам эснади, ҳам уф тортди.

●

Агар яхшилик ғараздан холи бўлмаса, ёмонликдан фарқи қолмайди.

●

Мутаассиб диндорлар жаннат роҳатини деб, минг балоларга дучор бўладилар.

●

Жаннат роҳатини тиласанг — бола ўстириб кўр.

●

Ихтиро тўғрисида умрингни беҳуда ўтказмаслик учун бор ихтироларни ўрган (яъни бор нарсани ихтиро қилиб қўймаслик учун).

●

У замонда рост ёлғонни кўрса икки букилиб салом берарди.

●

Илгари унинг обрўйи бор эди: «катталар» «майдалар» орасида обрўйи бор деб қарарди, «майдалар» «катталар» обрўли деб қарагани учун иззат қиларди, ҳозир бу маълум бўлиб қолди.

●

Яра тузалгандан кейин латта турмайди.

●

Бу одам ким «Эссизгина ёшлигим» деса —ўшани ақлли одам ҳисоблар эди.

●

Асалим тилимда, заҳарим дилимда.

●

Бу — эшикни синдириб кириб, соат сўрагандай гап.

●

Қиз деган ном чиройли «муқова». Унинг ичида қиздан ҳам чиройлироқ мазмун бўлиши, мутлақо ҳеч қанақа мазмун бўлмаслиги ҳам мумкин.

●

— Мактаблардан саводсиз болалар чиқаётибди.

— Бу гапларни сенга қайси халқ душмани айтди?

●

«Хато қилиб қўйиш» ҳаммани индамас ёки маълум гапларни майнадай такрорлайдиган қилиб қўйган.

**ЕВРОПА САЁҲАТИДА**

— Нима учун қоидани бузасиз? Чет эл гражданлари билан алоқа қиласиз?

— Мен етмиш икки дўзахдан ялангоёқ ўтиб, йўлимдан четга чиқмаганман-у энди чет эл граждани билан икки оғиз гаплашиб, йўлдан чиқар эканманми?

— Сен совет ҳукуматини яхши билмас экансан.

— Наинки, мен шунчалик омонат одам бўлсам?

●

Мен дунёдаги кўп мамлакатларни кўрдим, бизга келган жуда кўп чет эл маданият арбоблари билан суҳбатлашдим. Бу суҳбатлар, саёҳатларнинг натижасида мен капиталистик мамлакатларда талантларнинг мингдан бири ёриб чиқади-ю, қолгани ҳалок бўлади, деган гап ҳақ эканига яна бир карра ишондим.

●

Бу одам Сталин даврида одамларга бақиравериб, товуши хириллаб қолган карьеристни эслатади.

●

— Эркаклар бевафо, бузуқ дейсизлар, эркакларни осмондан тушган фаришталар бузаётиптими?

●

Сергап, эзма одамни суҳбатда изза қилиш, сергап, эзма нотиққа «қисқароқ бўлсин!» деб сўз ташлаш кифоя, лекин сергап, эзма ёзувчини албатта судга бериш керак.

●

Шоирларимиз, ёзувчиларимиз колхозчининг дидини, завқини ошириш ўрнига баъзан ўзи дидсиз, завқсиз, дардсиз ёзилган қуруқ ва суюқ асарлар ёзишади. Пахтакор қолиб баъзан пахта тўғрисида ашулалар ёзишади. Бу бемаза ашулаларга баъзан музика ҳам маза киргизолмайди.

Нашрга тайёрловчи
Кибриё ҚАҲҲОРОВА



Адиблар С. Абдулла, А. Мухтор, С. Абдуқаҳҳор, А. Қаҳҳор ва Н. Охундий.



Раззоқ Абдурашид «Кафтимда олам», «Қалбим қўлингда», «Мусаффо осмон», «Кайфият», «Юлдузлар хаёли», «Ойдин фасл», «Ёруғлик», «Оталар чироғи» каби 15 дан ортиқ шеърий китобларнинг муаллифи. Унинг биринчи тўплами «Йўл бошида» нашр этилганидан бери чорак аср ўтди. Шу чорак аср ичида у бунёдкор халқимиз меҳнати фидокорлиги, собитқадамлигини куйлади, ёшлик, муҳаббат ҳақида шеърлар ёзди. Раззоқ Абдурашиднинг шеърлари фақат Ўзбекистонда эмас, ундан ташқарида ҳам маълум. Шоирнинг рус тилида чиққан «Приток» ва «Сказка бабушки» китоблари «Советский писатель» ва «Детская литература» нашриётларида чоп этилган.

50 баҳорни кўрган шоир, таржимон, журналист — муҳаррир Раззоқ Абдурашид янги-янги ижодий режалар билан яшамоқда. Бу режаларни бадиий юксак, тансиқ асарларга айланишига тилакдошмиз.

Раззоқ АБДУРАШИД

●

Нега хафа ҳолсан, эй жўмард одам,
Айт, эзгу ишингга сидқидил шайман.
Яхши кунингда-ку кўпдир дўст,
ҳамдам,
Ёмонлик кўрмагил, шуни тилайман.
Фақат кимлигингни менга очиқ айт,
Уртада қолмасин тўсиқ ё гумон.
Кимсани дўст дея ишонганинг пайт
Душман бўлиб чиқса,
Бу жуда ёмон.
Нега неккаясан гапир, эй ялтоқ,
Қаердан бу қитмир кибр, саркашлик,
Одамлик, мардликдан тилинг-ку қадоқ.
Дилингда ҳокимдир ғалати ғашлик.
Ялтоқликни қўйгил,
Кимлигинг аён,
Бир зум ниқобинг ол,
Юзингни кўрай:
Унда жўмардликдан бўлсаю нишон,
Билдирган эсам гар адашиб гумон,
Буюр, оёғингга, майли, бош урай.

●

Оталар чироғини
Ёқиб ўтирмоқ бу — бахт.
Учмагай, рост, то кўзинг
Тирик экан дунёда.
Лекин кўп йиллар ўтиб
Нурайди ҳатто дарахт.
Умр шундоқ, чопадир
Гоҳ отда, гоҳ пиёда.
Яхшиям, тупроққа дон,
Ерга уруғ тушадир,
Абас қолган бир илдиз
Бўлғай бир кун зўр чинор.
Ота умрига фарзанд
Яна умр қўшадир,
Ҳар куртакда боғларнинг
Кечаги авжи такрор.
Бизга эзгу меросдир
Оталарнинг удуми.
Бироқ биз ҳам ўтармиз
Қовун пишиғи мисол...
Ҳаётнинг бу ларзакор
Ҳам чопағон одими
Замирида қоришиқ эрур
Оғу билан бол.
Хаёл олиб қочар гоҳ,
Наҳотки биздан кейин
Ёнмагай оталардан
Мерос қолувчи чироқ?
Фарзандлар хусусида
Бир нима демоқ қийин.
Улар ўсмоқда ёвқур,
Тўғри сўз-у, мард, бироқ,
Кўзинг юмилгач шундоқ
Қолгайми сидқу содиқ,
Умрингни чўзармикан
Ўз умри, иши билан.
Бўлмасмикан баъзи бир
Кишилардек мунофиқ,
Иши бўлмай кетмасми
Ўзи йўқ киши билан.
Ахир камми онасин
Топшириб қаро ерга
Шу билан очиқ қилган.
Она-бола орасин?
Ахир камми ўткинчи
Тириклик арзон «берга»
Алишганлар аждодин
Ҳеч ўчмас хотирасин?
Кўп нарса керак эмас.
Тириклардан ўтганга,
Басдир омон бўлсаю
Келтирса элдан раҳмат.
Фарзанд бўлса отаси
Орзу қилган, кутгандай,
Туб қўйиб, илдиз ёйса,
Яраса юртга албат!
Хаёл олиб қочадир...
Ким эртасин ўйламас,
Бугуннинг замирида
Эрта етилар лекин,
Чироғинг ўчмаслигин
Эй дил, истайсанми, бас,
Кўзинг тириклигида
Кўриб қўй тадорикин.

Шамси ОДИЛ



## ТЎРТЛИКЛАР

— Падаринг ким?— десалар, —дедим, — Ленин.
Посбонинг ким? — десалар, —дедим, — Ленин.
Униб ўсдинг ҳеч бир завол кўрмасдан,
— Боғбонинг ким? — десалар, дедим, Ленин.

●

Тўхтатма ўқишни етар деб билим,
Ҳовузга қарагин, тўлганда лим-лим.
Ариқдан пайдар-пай сув келмаганда,
Ҳовуз қақраб бағри бўларди тилим.

●

Хамиртуруш кўпчитади хамирни,
Қалин тупроқ маҳкам тутар томирни.
Билим, илм, меҳнат этур барҳаёт,
Еру хамир каби инсон умрини.

●

Сен ғафлат уйқусини тарк этгин, ўғлон,
Ўзингни меҳнатга жалб этгин, ўғлон.
Юрган йўлларингда гуллар кўкартгин,
Элга фидоийлик касб этгин, ўғлон!

●

Қанча юксакка чиқсанг, олисдагин кўрасан,
«Туяга мин, олисни кўзла!» — мақоли шундан.
Бир ишни бошдан аввал обдан ўйла, биласан,
Худа-ю, беҳудага пичоқ суғурма қиндан.

●

Қарич ерни талашарди
Икки қўшни: «Меники»
деб.
Ер-чи кулди: «Эй
нодонлар,
Ҳар икковинг «меники»
деб...

●

Қудуқ қазиб тушдим
ернинг тубига
Даҳшат экан
ёлғизликнинг
ваҳмаси.
Шукр қилинг атрофда
дўст кўпига,
Тарс ёрилур танҳо
кўкрак қафаси...

●

Тоғ беткайда яшасанг,
Ҳовлинг қуруқ
турмайди.
Қўш хотин-ла яшасанг,
Нонинг бутун бўлмайди.

●

Қиз ўзга бир уйнинг
чироғи
Шу сабабли соз тарбия
эт.
Ақл, фаҳм — чироғин
ёғи,
Ҳаё — пилик, барин
этгин бут!..

●

Бисотингда бўлса бутун
нон,
Ёлғиз ўзинг есанг ҳам
ўтар.

Агар баҳам кўрса етти
дўст,
Бир ҳафтага бир
нонинг етар...

●

Ҳар кун недир ўзгарар,
Бетингга боқ, бетингга.
Сендан ёдгор не қолур,
Ортингга боқ,
ортингга...

●

Узоқ сафарга чиқсанг,
Етарли ўйинг бўлсин.
Яшаб оламдан ўтсанг,
Ўз юртинг, гўринг
бўлсин.

●

Чинор баргларин
етмассан санаб,
Шу йўсин яхшилар
барча ҳислати.
Ёмонлар ҳам ўтар,
ўзларин алдаб,
Ҳаётдан юмгач кўз,
эсланмас оти...

●

Гоҳ булбулни мадҳ
айладинг,
Гоҳ булбулни мадҳ
Ўз қавмингдан кечиб
хўроз,
Қарчиғай бўб
кетмадинг...

Чўлпон ЭРГАШ



## БИЗ ЎТИБ КЕТАРМИЗ

Менинг юрагимга ўхшайди замон,
Гоҳ алам қиймалар, ўртар гоҳ соғинч.
Баъзида жудолик ўлдирса ёмон,
Яна тирилтирар йўқдан бир овунч.

Утга, сувга тиқиб темирчи ҳаёт,
Ногоҳ «гурс» туширар болғаси билан.
Билмаймиз, не ясар биздан у — обод,
Шодмиз аммо орзу — ҳолваси билан.

Бу иссиқ-совуққа беролмай бардош,
Отига тақа ҳам бўлмасмиз, бироқ
Мен доим қўрқаман, бу йиртқич талош
Чангалида нохост чатнаб ер ҳар ёқ;

Тупроқ тўлиб суллоҳ ёв кўзларига,
Қўшиб улар билан, замин, оқпадар
Уз фарзандини ҳам отиб нарига,
Бош олиб кетмаса оламдан бадар!

Бу гап оқсоч она эркалаб тунлар,
Зийрак кенжасига сўйлаган эртак.
Оҳ, оқил акалар, ҳолва бу кунлар,
Аммо сиз боламас, бўйингиз — терак!

Шаксиз асраб қолар еримиз замон,
Биз ўтиб кетармиз, қорнимиз қашлаб.
Ва лекин эшитиб номимиз — «фалон»,
Ер чизиб қолмасин фарзандлар, қарғаб!

## МЕН

Сочларимнинг учларидан то
Оёқларим тирноғигача —
Меники деб айтаман, ҳатто
Бутун умрим, нарёғигача...

Устун келиб кимдандир, дадил
Дейман доим: «Бу — менинг сўзим!..»
Менлигимга аммо ким кафил?
Қани ўша «мен» деган ўзим?!

Аллақандай йўқ бир Мен — «ҳоким»
Овоз бериб йўқ ердан «гур-гур»,
Қандай даҳшат: «Бу — менинг халқим...
Ватан!..» — дея жар солса, мағрур!

Яширмайман, рост, бу — қулларим,
Менинг қорним, оғзим, юз-кўзим.
Анов узун, силлиқ — йўлларим,
Аммо, айтинг, қани мен ўзим?

Оҳ, габиат, нечун бу суврат,
Эл-юрт, бойлик, доно сўзлигим?
Керак эмас бу бахт, бу қудрат,
Бергин аввал менга ўзлигим!

## ҲАЗИЛ

Нима қилдим сенга, эй маккор санам,
Вайрон кўнглим баттар бузиб қарайсан?!
Бир бошимга икки қилич қайрайсан,
Қамми сенга ушбу кўрган куним ҳам?..
«Тамом — деб, — энди бу!» қошларинг қалам,
Сочларинг бекорга силлиқ тарайсан!

## ТОНГОТАР ҚЎШИҒИ

Тошқин-тошқин нурлар тошиб дам-бадам,
Тонготар эл тоғларида тонг отар.
Кўзларида тўниб ёшлар ҳар қадам,
Ўйнаб-ўйнаб, Зуҳро тонгни уйғотар.
Жўжахўроз тортиб гўё наслига,
Чапак уриб, осмонларга талпинар.
Ошиқади борлиқ қуёш васлига,
Банди шоир — юрак тонг деб қалқинар!
Тонг нурида чақнар терак учлари,
Найза бўлиб санчилар тун бағрига.
Ўнг келгандай куртакларнинг тушлари,
Қуёш ўзи йўргаклайди бахтига.
Қучоқ очар «Болам!» дея менга ҳам,
Бош қўяман бўзлаб онам кўксига,
Оҳ, қадрингга етмадим мен нега ҳам,
Энди мангу айрилмасман ўзингдан!
Сен — ҳаётим, қўшиғимсан қўшқанот,
Қўш қанотим бордир менинг, ёронлар!
Қуёш ва шеър томиримда сурар от,
Кўксим узра бош ургандай вулқонлар.
Қўшиқ айтсам тонг номига мен бугун,
Сатрларим — сарф тортишган қўшиним.
Тонг пойида эзилади тун — қузғун,
Зулматларга қўшин тортар қўшиғим!

## ЧИГИРТКАЛАР

Айланади чархпалак —
Кеча-кундуз чирр-чир,
Кечар не-не савдолар
Бошимиздан гирр-гир.
Ризқимизни териб,
жим,
Юргандай биз
ғирр-ғир, —
Ҳар қадам
хавф-хатардан
Қақшар юрак зирр-зир.
Ана бири —
йиртқичлар,
Бир Тулки деб
«хирр-хир»,
Йириб-йиртди,
тишлашиб —
Бир-бирини, ширр-шир.
Томоқлари такиллаб,
Даррандалар чирр-чир,
Пойлаб юрар бизни
ҳам,
Оғиз очиб қирр-қир,
Сал бошимиз кўтарсак,
Учиб келиб пирр-пир,
Чангал урар очарвоқ
Паррандалар бирр-бир.
Ўт, ушоқ еб, яланғоч,
Ўрнимиз лой,
кирр-чир,
Оёқ ости умримиз,
Айтишамиз жирр-жир.
Бош бўлмаса бир
бошда,
Юрсанг титраб
дирр-дир,
Босиб ўтар ҳар
ҳайвон,
Темирлар ҳам
«тирр-тир»
Нур товланар бир,
ана,
Бу не бало сирр-сир?
Жонинг бўлса, қочиб
қол,
Ин-инингга кирр-кир!..

## ҒАРАЗГЎЙ

Олқишлайман
дўстларим,
Доим ёқлайман.
Пайти келса, пайт
пойлаб,
Бир кун боплайман!



Танаффус — С. МАҲКАМОВ фотоси

